# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: **Info@xs.uz** • 2014 йил 25 март, № 57 (5987) Сешанба


# Дипломатлар қутлови

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналарининг чет эллик иштирокчилари — хорижий мамлакатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари “Жаҳон” АА мухбирлари билан суҳбат чоғида ўз таассуротларини бажонидил ўртоқлашганлари баробарида, баҳор айёми муносабати билан мамлакатимиз халқига қутловларини ҳам изҳор этдилар.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

**Жорж Эдгар,
Буюк Британиянинг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Энг қадимий байрамлардан бири, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам нишонланадиган Наврўз айёмида иккинчи маротаба иштирок этмоқдаман. У энг эзгу урф-одат ва анъаналарни мужассамлаштиргани баробарида, қувончу шодликни, яхшилик ва раҳмдиллик, яратувчанлик ва тарихга нисбатан ҳурматни ҳам ўзида акс эттиради. Наврўз чинакамига умумхалқ байрами сифатида барча миллат ва элатларни жипслаштиради, бу эса Ўзбекистоннинг катта муваффақиятидир.

Республика раҳбариятининг ёшларни дўстлик, бағрикенглик ва бири-бирини ўзаро тўғри тушуниш сингари энг яхши анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлайман.

**Стефан Приснер,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
доимий координатори,
БМТ Тараққиёт дастурининг
Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— Ўзбек халқининг ушбу гўзал миллий байрами — Наврўз муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирнинг ажойиб тарзда ташкил этилганини кўриш менга мамнуният бағишлайди.

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон иқтисодий соҳада, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда улкан чўққиларни забт этди. Бошқа йўналишларда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Муҳими, Ўзбекистонда барча соҳаларда ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқдаки, бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига тўла мос келади.

**(Давоми 2-бетда).**

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

*...Олимлар Устюрт кенгликлари жуда қадимий тарихга эга, дейишади. Чунончи, Миср эҳромларига қаланган тошларни эслатувчи Белеули қадамжосидаги харсангларга битилган шакл ва ёзувларни, нақшу нигорларни бугунги кунда лазерь ёрдамида ҳам ёзиш, чизиш амри маҳол.*

# Устюрт мўъжизаси

Уни янги даврнинг янги авлоди яратмоқда.

Бу тошғиштлар ҳайбатию маҳобати билан қадимги Рим ёки юнон кошину устунларидан қолишмайди. Боз устига, Устюрт кенгликларидаги сайқалланган харсангларда одам қўлларининг излари бор. Бу излар, шубҳасиз, бизнинг аждодларимизга тегишли.

Ўтмишда турли мақсадларда ташкил этилган экспедициялар негадир Устюртни четлаб ўтган. Мустақилликдан кейингина бу кенгликлар осмонида ҳуррият қуёши балқди. Шўро замонида “таннархи қиммат ва истиқболи йўқ” дейилган Қувонч ҳамда Шахпахтидаги газ конига ўзимиз эга бўлдик. Сўнгра кимсасиз саҳрода Борсакелмасдаги туз захиралари ҳамда Қоратоғ мармаридан кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарадиган Қўнғирот сода заводи қад кўтарди. Корхона ёнида бунёд этилган ажойиб шаҳарча Элобод, дея аталди. Айни пайтда завод қувватини икки баробар оширишга ҳаракат қилинмоқда. Демак, шаҳарча яқин орада гавжум кентга айланади.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг бир далили сифатида Сурғил газ конини ўзлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар акс этган қуйидаги маълумотларга эътибор беринг:

— 2006 йилнинг 29 март куни Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давомида “Ўзбекнефтгаз” ва Корея Газ Корпорацияси (KOGAS) ўртасида Сурғил нефть-газ конини комплекс ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди.

— 2008 йил 8 май куни акцияларнинг УНГ ва КоГаз ўртасида 50/50 тақсимланиши асосида “Ўз-Кор Газ Кемикал” қўшма корхонаси ташкил этилди.

— 2012 йил 13 октябрда Сурғил газ кони “Ўз-Кор Газ Кемикал” қўшма корхонаси ихтиёрига ўтказилди ва иш бошланди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Халқимиз ардоғидаги байрам

*Сайхунобод тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, шашка бўйича халқаро гроссмейстер Сайёра Йўлдошева пойтахтимизда бўлиб ўтган Наврўз байрами тантанасида қатнашиб, Президентимизнинг байрам табригида мамлакат ёшларига билдирилган юксак ишонч ва оталарча тилаклардан қалби ғурур ҳамда ифтихорга тўлиб қайтди.*

СУРУР

— Мен бир неча бор халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, шу Ватан фарзанди эканлигимдан бахтиёрлигимни дилдан ҳис қилганман, — дейди у. — Қолаверса, жорий йил бошида Халқаро шашка федерацияси мени халқаро гроссмейстер унвонига муносиб кўрди. Наврўз тантанасида Президентимизнинг “...биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз”, деган сўзларини эшитиб, беихтиёр ўша унутилмас лаҳзаларни ёдга олдим. Кўзларимда қувонч ёшлари пайдо бўлди. Чунки эришган ютуқларимнинг барчаси беқиёс ғамхўрликлар туфайли-да. Ўзим ишлаётган спорт мактабида ўнлаб иқтидорли ёш шашкачилар voяга етмоқда. Уларнинг бир нечаси аллақачон ўз ёш тоифасида қитъа ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларни қайд этган. Шубҳасиз, Ватанимизнинг миллионлаб ёшлари каби, бизга ҳам давлатимизнинг ёш авлод камоли йўлидаги доимий эътибори катта куч бағишлайди, янги-янги марраларга эришишда мустаҳкам таянч бўлади.

Дарҳақиқат, шу кунларда вилоятда давом этаётган Наврўз тантаналари ўз олдига юксак орзу-ниятлар қўйган ёшларнинг бахтиёр чеҳралари билан янада тароватли бўлаётир. Президентимиз таъкидлаганидек, дунёда қиёси йўқ меҳрибон ва меҳмондўст халқимизнинг тўйлари тўйларга уланмоқда.

Хусусан, боёвутлик Абдураззоқ ота Ҳотамов Наврўз кунларида яна бир ниятига етадиган бўлди. У ўтган кузакда “Насиб этса, набираларимнинг тўйини баҳорда, ўрик гуллаганда қиламиз”, деб оила аъзолари билан маслаҳатлашиб олган эди. Мана, бутун борлиқни безаётган баҳор унинг хонадонига ҳам кириб келди.

**(Давоми 3-бетда).**

*2014 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикасининг Канададаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ғуломов (қароргоҳи Вашингтонда) Канада генерал-губернатори Дэвид Ллойд Жонстонга ишонч ёрлиқларини топширди.*

# Ишонч ёрлиқлари топширилди

Маросимдан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Канада ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Жумладан, кейинги йиллар давомида Ўзбекистон — Канада муносабатлари сезиларли даражада фаоллашиб бораётгани қайд этилгани баробарида, томонларнинг ўзаро манфаат касб этадиган кенг қамровли масалалар юзасидан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги тасдиқланди.

Генерал-губернатор Дэвид Жонстон Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик таъминланишидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

У, шунингдек, барқарор равишда 8 фоизлик ўсишни намоён этаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятларига ҳамда кўпгина йўналишларда амалга оширилаётган ўзгаришларга юқори баҳо берди. Учрашув чоғида ўзбек халқининг бой тарихий ва маънавий мероси, шу жумладан, ўзбек мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси хазинасига қўшган ноёб ҳиссаси алоҳида таъкидланди.

**«Жаҳон» АА.**

# ВАТАНГА САДОҚАТ ИФОДАСИ

*Миллий армиямиз сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган йигитлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муддатли ҳарбий хизмат даврида ўрганганлари, орттирган ажиб хотиралари ҳақидаги ҳикояларини эшитиш жудаям мароқли. Эътибор берган бўлсангиз, ана шундай мулоқотларда собиқ аскарларнинг барчаси энг унутилмас воқеалардан бири сифатида ҳарбий қасамёд қабул қилган кунларини ёдга олишади.*

ФАХР

Дарҳақиқат, кенг жамоатчилик иштирокида, катта тантана сифатида ўтказиладиган, алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай маросим бир умрга эсда қоларли онларни туҳфа этиш билан бирга, эл-юрт ҳимоясини ўзи учун шараф, деб билган ўғлонлар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига асосан, яқиндагина бир гуруҳ ёшлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилган эди. Эгнига аскарлик либосини кийиб, бошланғич ҳарбий ва умумқўшин тайёргарлик машғулотларида армия ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган ана шу ўғлонлар бугун ҳарбий қасамёд қабул қилмоқда.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам шу муносабат билан тантанали маросимлар ўтказилди. Жумладан, “Ватанга қасамёд” монументи пойида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

**(Давоми 2-бетда).**




# УКРАИНАДАГИ ВАЗИЯТ ВА ҚРИМ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистоннинг Украинадаги воқеалар юзасидан “Жаҳон” ахборот агентлигининг 2014 йил 4 мартдаги баёнотида ифода этилган муносабати ўзгармасдан қолади.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Низоми асосий тамойиллари ва халқаро ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиққан ҳолда “юзага келадиган халқаро баҳсларни тинч воситалар билан ҳал этиш, халқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига ёхуд сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни қўллашдан тийилиш” борасидаги позицияси қатъий ва ўзгармасдир.

Ушбу принципиал аниқ мақсадли вазифалар замонавий босқичда сиёсатимизнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда ўз аксини топган.

Ўзбекистон шу каби халқаро муаммоларга нисбатан ушбу тамойилларга риоя қилган ва бундан кейин ҳам амал қилади.

Шу билан бирга, бизнингча, бугун Украина ва Қримда содир бўлаётган воқеаларнинг олдиндан айтиш мушкул бўлган оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, украин ва рус халқларининг асрий яқинлигидан, маънавий ва маданий қадриятларининг, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тарихан шаклланган муштараклигидан келиб чиқиб, юзага келган муаммоларни ўзаро мақбул муросали ҳал этиш чорасини топишнинг ягона тўғри йўли бевосита икки томонлама музокаралар олиб боришдир.

Бундай ҳолатда вақт қанча кўп ўтса, шунча кўп қарама-қаршиликлар юзага келади ва вазият мураккаблашади.

**Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлигининг
Матбуот хизмати.**

# Дилларда меҳру саховат шукуҳи

Давлатимиз раҳбари Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида барчамиз учун севимли айёмга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам беришдек эзгу ғоя мужассамлигини эътироф этиб, беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беришини алоҳида таъкидлади.

ҚАДРИЯТ

Ҳақиқатан ҳам, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан биридир. Эътиборлиси, бу анъана яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз муносабати билан ташкил этилаётган турли тадбирлар кўламида янада яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, фаол аёллар, тегишли марказлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири бунинг ёркин мисолидир.

**(Давоми 3-бетда).**

# Дипломатлар қутлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва БМТ ўртасида узоқ муддатли ва яқин ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Мамлакатда БМТ тузилмаларининг 7 та ваколатхонаси очилган бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилмоқда. БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ўзаро ишончга асосланган хусусият касб этади.

Наврўз халқ байрами ҳисобланади. Мен ушбу байрамни орзиқиб кутдим, чунки у ажойиб мамлакатингизнинг бирлиги ва ранг-баранглигини ўзида мужассам этади. Ўзбекистонда турли маданият вакиллари истиқомат қилишади. Наврўз уларнинг барчаси учун байрамдир.

Ёрқин ранглар ҳамда турли миллатлар ўртасидаги анъаналарнинг уйғунлиги билан тўла, баҳорий уйғониш тимсоли — Наврўз Ўзбекистоннинг тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга қўшаётган салмоқли ҳиссасини ҳам ўзида акс эттиради. Бу БМТ ва бутун халқаро ҳамжамият учун яхши намуна бўлиши мумкин. Бу БМТ ва барча мамлакатларга нисбатан мурожаатдир. Дунёда бундай натижаларни намоён этаётган давлатлар кўп эмас.

Ушбу ажойиб байрам муносабати билан мамлакатингизга ва халқингизга бахт-саодат ва гуллаб-яшнаш ёр бўлишини, Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янада мустаҳкамланишини тилайман. Наврўз байрами муборак бўлсин!

**Владимир Тюрденев,**
**Россия Федерациясининг**
**Ўзбекистон Республикасидаги**
**Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Биз бугун ҳаёт янгиланиши ва янги йил кириб келиши рамзи, баҳор айёми — Наврўз байрамининг нишонланишига бағишланган ажойиб тантананинг иштирокчиси бўлиб турибмиз. Наврўз бағрикенглик, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик тантанасидир. Кўпгина мамлакатларда нишонланадиган ушбу байрам ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий меросининг рўйхатига киритилган. Бу байрамнинг халқаро мақомга эга бўлишида Ўзбекистоннинг хизмати каттадир.

Мамлакат раҳбариятининг ташаббуси билан жорий йил Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Бу жуда муҳим ташаббусдир. Чунки ҳаммаси бола тарбиясидан бошланади, болалар эса — бизнинг келажагимиз. Шу боис сабр-тоқат, дўстликни севиш сингари қадриятларни болаларга ёшлигиданоқ сингдириш, уларнинг инсонпарвар ва ўз давлати учун мустаҳкам таянч бўла оладиган кишилар сифатида вояга етишларига кўмаклашиш, деганидир.

**Муҳаммад Саид**
**ибн Муҳаммад ал-Лавати,**
**Ўмон Султонлигининг**
**Ўзбекистон Республикасидаги**
**Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини ушбу ажойиб баҳор байрами билан чин қалбимдан қутлайман. Бундан-да тараққий топиш ва гуллаб-яшнаш, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш тилакларини изҳор этаман.

Наврўзнинг нишонланиши Ўзбекистон маданий ҳаётидаги ёрқин воқеа бўлди. Ушбу байрам муносабати билан ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти уфуриб турадиган бугунги сингари тантаналарда учинчи бор иштирок этмоқдаман. Ранг-баранг байрам дастури, миллий фольклор ҳамда ўзбек санъат усталарининг гўзал миллий либослари менда унутилмас таассурот қолдирди.

Шуни қайд этишим жоизки, мамлакатингиз бағрикенгликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Юртингизда ўзаро тинчлик-осойишталикда, аҳилликда яшаётган ва меҳнат қилаётган юздан зиёд миллат ҳамда элатлар вакиллари Ўзбекистонни ўз Ватани ҳисоблашади.

**Абдул Азиз ибн Ҳорун,**
**Малайзиянинг Ўзбекистон**
**Республикасидаги Фавқулодда**
**ва мухтор элчиси:**

— Баҳор даракчиси — Наврўз байрамининг нишонланиши анъанаси кўҳна илдизларга ва кўп йиллик тарихга эга. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон раҳбарияти бу гўзал анъанани қайта тиклади. Наврўз ҳар йили нафақат Тошкентда, балки республиканинг барча ҳудудларида нишонланади.

Мен Наврўз нафақат табиат уйғониши ва баҳор келишининг, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, халқ бирдамлиги ҳамда келажакка бўлган ишончнинг рамзи ҳамдир, деган фикрга қўшиламан. Дунёнинг айрим мамлакатларида уруш ва низолар давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизлик ҳукмрон, иқтисодий ўсиш таъминланаяпти. Бугунги байрам тантаналари буни яққол намоён этмоқда.

2014 йил Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани нуқтаи назаридан олиб қаралса, Наврўзи оламнинг нишонланиши алоҳида мазмун касб этади. Мен буни тўғри ташаббус, деб ҳисоблайман. Чунки болалар ҳар қандай мамлакатнинг келажагидир. Қайси юртда ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик бўлса, унинг ажойиб келажаги таъминланган бўлади.

**«Жаҳон» АА.**



# ВАТАНГА САДОҚАТ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламлиислоҳотлар натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ҳамда техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта чақириш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, бугунги кунда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, юртимиздаги лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимининг энг табаррук масканларимиздан бири — "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида ўтказилгани бежиз эмас. У юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. Бу муҳташам мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимиз тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани акс эттирилган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда. Ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни ифода этган мазкур ҳайкал ҳар бир юртдошимизни муқаддас мақсад сари чорлаб туради, Ватан тақдирига дахлдор бўлишга ундайди.

Яқиндагина аскар, деган шарафли номга сазовор бўлган йигитларнинг қисқа фурсат ичида илк сабоқларни кунт билан ўзлаштирганидан ҳарбий қисмлар командирлари беҳад мамнун. Фарзандининг аждодларига муносиб ворис бўлишга, шу муқаддас заминни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ваъда бериб, қасамёд қабул қилганини кўрган ота-оналарнинг эса қувончи чексиз.

— Жудаям ҳаяжондаман, — дейди Денов туманидан келган Шоирахон Сатторова. — Ўғлим Маъмуржонни бир ой олдин армияга кузатгандик, қаранг, бирпасда ўзгарибди. Қанчалик фахрланганимни билсангиз эди. Командирларининг у ҳақда айтган илиқ фикрларини эшитиб, кўксим тоғдек кўтарилди, хурсанд бўлдим. Насиб қилса, Маъмуржон муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, келажакда юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади. Биз, ота-оналар бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз доимо соғ-омон бўлсинлар, дея дуо қилишдан чарчамаймиз.

— Бугун барча сафдошларим қатори мен ҳам энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолни асраб-авайлаш, Ватанимиз тинчлиги ва равнақи йўлида фидойиларча хизмат қилишга ваъда бердим, — дейди оддий аскар Беҳзод Муҳаммаджонов. — Ана шу аҳдимда қатъий туриб, ўзимга билдирилган ишончни, албатта, оқлайман.

Шу куни жуда кўп эзгу ниятлар, самимий фикр-мулоҳазалар, дил изҳорлари билдирилди. Биз ҳам уларнинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам ўқув жараёнини таъминлаш батальони муддатли ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, журналистлар қатнашди.

Эътироф этилганидек, юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашда ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, тизим учун малакали кадрларни тайёрлаш изчил йўлга қўйилгани бугун ўзини ҳар томонлама оқлаяпти. Буни Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳарбий хизматчилари учун яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Бугун ҳарбийлик катта билим ва маҳорат талаб этадиган профессионал соҳага айланди, — дейди Б. Қозоқов. — Шу боис бу ерга келгунча изландим, машқ қилдим. Ниҳоят, орзуим ушалди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан кейин шартнома асосида хизмат қилиш ниятидаман. Бинобарин, она-Ватанимиз ҳамда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш олий саодат ҳисобланади.

— Ўғлимнинг қадди-басти келишган аскар бўлганидан, айниқса, унинг қасамёд сўзларидан тўлқинландим, кўзимга ёш келди, — дейди Н. Юнусова. — Сафда тизилган йигитларнинг барчаси забардаст ва ўктам. Ана шундай ўғлонларимиз бор экан, кўнглимиз доимо хотиржамдир.

ИИВ Ашула ва рақс ансамбли ҳамда билим юрти оркестри иштирокидаги концерт дастури кечага ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

**● "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Навоий вилоятига "Саломатлик поезди" жўнатилди. "Саломатлик поезди" таркибидаги шифокорлар жорий йилнинг 1 апрелигача Навоий, Тинчлик, Конимех, Қара-Қата, Мустақиллик, Қизилқудуқ, Бузаубай ва Учқудуқ II станцияларига яқин ҳудудларда яшайдиган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади.**

● Республика биржа марказида фонд бозорига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган янгиликларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир давомида Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан батафсил таништиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**● Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги "Нукус деҳқон бозори" қошида янги савдо шохобчаси иш бошлади. Замонавий меъморчилик андозалари асосида қад ростлаган икки қаватли бинонинг биринчи қаватида балиқ маҳсулотлари савдо маркази, иккинчи қаватида бир вақтнинг ўзида 60 нафар мижозга хизмат кўрсата оладиган миллий таомлар ошхонаси иш бошлади.**

● Урганчда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлимининг "Фуқаролик жамияти ривожланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари: Хоразм вилояти мисолида" мавзуида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

**● Пойтахтимизда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси бўйича "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг жорий йилда амалга ошириладиган вазифалари муҳокама этилди. Унда компания томонидан бугунгача бажарилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.**

● Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани марказида замонавий услубда бунёд этилган "Сурхон сузиш ҳавзаси" фойдаланишга топширилди. Тўрт юз нафар ўғил-қиз сузиш билан шуғулланиш имкониятига эга мазкур спорт иншоотида ҳамма шароитлар яратилган.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Ноёб навли токзорлар кўпаймоқда

*Юртимизга Наврўзи олам кириб келиб, шарқона ҳисобга кўра, янги йил бошланган шу кунларда боғбону соҳибкорлар яна қадрдон далалари ва боғларига отланмоқда. Зеро, бўлғуси ҳосил баракаси кўп жиҳатдан айни баҳорги агротехника юмушларининг нечоғлик сифатли бажарилишига боғлиқдир.*

ҚАРОР ВА ИЖРО



Соҳа мутахассисларининг айтишича, республикамиз фермерлари жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, узум етиштириш ҳажмини оширишга қатъий аҳд қилган. Президентимизнинг 2013 йил 13 мартдаги "2013 — 2015 йиллар даврига республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тармоқда изчил рўёбга чиқарилаётган амалларнинг дастлабки натижалари ана шундан далолат бермоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда 22,5 минг гектардан иборат янги токзорлар барпо этиш, шу жумладан, "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси тизимида дунё бозорида танилган номдор узум навлари майдонларини кўпайтириш вазифаси белгилаб берилган. Унинг ижроси таъминланаётгани туфайли эса компания тасарруфидаги токзорлар 2013 йилда 4,4 минг гектарга етказилди. Ваҳолонки, бундан икки йил аввал бу кўрсаткич 2,9 минг гектарга тенг эди, холос.

— Президентимиз ташаббуси билан узумчиликка илғор технологиялар жорий қилинаётгани, саноат корхоналари ўз токзорларига эга бўлаётгани ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш имкониятини кенгайтирмоқда, — дейди "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси бошқармаси бошлиғи Толиб Обидов. — Масалан, ўтган йили компания тизимидаги корхоналар тасарруфидаги токзорларда 30,1 минг тонна ноёб навли саноатбоп узум етиштирилиб, қайта ишланди. Бу кўрсаткич жорий йилда 43 минг тоннага, 2015 йилда эса 63,5 минг тоннага етказилиши кутилаётгани қувонарлидир.

Шунга мос равишда республикамиз бўйича мавжуд токзорлар майдони ҳам муттасил кенгайтирилаяпти. Айтайлик, 2011 йилда улар 1380 гектарни ташкил қилган бўлса, ўтган йили 2490,7 гектарга етказилди. Жорий йилда янги токзорлар барпо этилиши ҳисобига ушбу кўрсаткич 3240 гектардан ошиши кутилаяпти. Бу, ўз навбатида, хом ашё етиштириш ҳажмининг йил сайин кўпайишига хизмат қилади.

Гап шундаки, ўтган мавсумда агрофирма ва фермер хўжаликлари томонидан қайта ишлаш корхоналарига 117,7 минг тонна узум етказиб бериш бўйича шартнома тузилган эди. Жорий йилда эса, имзоланган шартномаларга мувофиқ, қайта ишлаш корхоналарида 132 минг тонна саноатбоп узум қабул қилиб олинади. Бу ҳақда Тошкент шаҳрида "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2015 йилгача умумий қиймати қарийб 135 млрд. сўмлик 80 дан зиёд инвестициявий лойиҳалар амалга оширилади. Бунинг эвазига маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва уларнинг турлари кескин ошиши баробарида, юртимиз аҳолиси дастурхонига нон ва қандолат маҳсулотлари, минерал сув ҳамда салқин ичимликлар, табиий шарбат ва консерва маҳсулотлари каби турли ноанъанавий ноз-неъматлар етказиб бериш ҳам йўлга қўйилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Устюрт мўъжизаси

## Уни янги даврнинг янги авлоди яратмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Лойиҳа бўйича қурилиш даврида қарийб 10000 та, Устюрт газ-кимё мажмуи ишга туширилганидан сўнг 1380 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади.

2016 йили ишга туширилиши мўлжалланаётган Устюрт газ-кимё мажмуи йилига:

— 387 минг тонна полиэтилен;

— 83 минг тонна полипропилен;

— 3,7 млрд. куб метр қайта ишланган товар газ маҳсулотларини етказиб беради.

Эътиборли жиҳати, Буюк Британиянинг консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш лойиҳаси 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди.

Бундан ташқари, ушбу лойиҳа "PFI Thomson Reuters" компаниясининг "Нефть ва газ соҳасидаги 2012 йилнинг энг яхши битими", "Project Finance Magazine/Euromoney" журналининг "Нефть-газ соҳасидаги 2012 йилнинг энг яхши битими" каби яна бир қанча халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Яқинда яна бир хушхабар олдик. Шу йилнинг 13 мартида "Infrastructure Journal" халқаро нашри Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши лойиҳасини "Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими" нуфузли мукофоти билан тақдирлади. Бу ҳеч шубҳасиз, нафақат мазкур мажмуанинг, балки мустақил Ўзбекистон олиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг халқаро эътирофидир.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли бундай оламшумул аҳамиятга молик корхонани ишга тушириш учун атиги 3 йил муддат кифоя қилиши чиндан ҳам ўзига хос мўъжизадир. Атиги етти кунда мажмуа қурилишига жалб этилган деярли икки минг одам яшайдиган шаҳарчанинг қуриб фойдаланишга топширилганидан ҳайратланмай бўладими?! Жанубий Корея Республикасидан келтирилган модуль уйлардан иборат шаҳарчада ошхона, маданий-маиший объектлар, ҳатто спорт залларигача мавжуд. Қуш учса қаноти куядиган саҳродаги Устюрт газ-кимё мажмуини Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида янги даврнинг янги авлоди бунёд этаяпти.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг айтган бир гапи ёдимизга келади: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт".

Дарҳақиқат, Устюрт мўъжизасини бугун ана шу авлод яратаяпти. Қуйида улардан айримларининг ҳамда хорижлик тенгдошларининг ўй-фикрлари билан танишасиз:

**Мерос Матмуродов** (2005 йили Тошкент техника университетининг нефть-газ факультетини битирган. "Устюртгаз" унитар корхонасида оператор, муҳандис вазифаларида ишлаган):

— Биз "Шўртангаз"да юз нафар ёш мутахассис тўрт ой давомида Устюрт газ-кимё мажмуининг бўлажак цехлари лойиҳасини ўзлаштирдик. Ҳозир мен мажмуанинг полиэтилен тайёрлаш цехи қурилишида бевосита иштирок этаяпман. Ўз қўлимиз билан қурган корхонани ишлатиш, албатта, осон бўлади.

Сурғил табиий гази таркибида олтингугурт деярли йўқ. Лекин у бошқа қимматли компонентларга бой. Ундан юқори, ўрта ва қуйи босимга чидамли ҳар хил полимер маҳсулот тайёрлаш мумкин. Этан миқдори юқори бўлган табиий газдан бу зарур компонентларни ажратиб олмасдан газўчоқда ёқавериш эса исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

**Донг Хан Шин** (30 ёшда, Жанубий Кореянинг Конгук университети қурилиш муҳандислиги факультетида таҳсил олган. Корея, Вьетнам ва Таиланд денгиз портларида суюлтирилган газ қабул қилувчи иншоотлар қурилишида ишлаган):

— Бизнинг "GS" муҳандислик-қурилиш корпорациямиз саноат иншоотлари қурилиши бўйича 35 йиллик тажрибага эга. Ўзбекистон тўғрисида китобларда ўқиб, кўп маълумотлар олган эдим. Лекин ўз кўзинг билан кўрганга етмаскан, мазкур лойиҳада иштирок этиш менга шундай имкониятни яратиб берди. Ҳайратланарлиси, Ўзбекистонда миллий қадриятлар замонавийлик билан уйғунлашиб кетган экан. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари минг йиллик тарихдан далолат берса, замонавий Тошкент ва Навоий шаҳарлари ўлканинг бугуни ва келажаги тимсолидир. Ҳатто мана шу саҳро — Устюртнинг ҳам ўзига хос, такрорланмас жозибаси бор: осмони мусаффо, қўлларингизни чўзсангиз юлдузлар кафтингизга қўнадигандек яқин...

**Қаҳрамон Сафарниёзов** (Қорақалпоқ давлат университетининг кимё факультетини битирган, магистр. 2008 — 2013 йилларда "Шўртангаз" мажмуида янги лойиҳа ўзлаштириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, табиий газдан этилен ажратиб олиш бўйича мутахассис):

— Аввал "Шўртангаз" мажмуида йилига 125 минг тонна полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарилган бўлса, Устюрт газ-кимё мажмуи йилига 387 минг тонна ана шундай маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бундан ташқари, 83 минг тонна полипропилен ва 3,7 млрд. куб метр товар газ ҳам олинади. Газни қайта ишлаш орқали бир йўла иккита муҳим жараён ҳал этилади: ҳам юқори зичликка эга полиэтилен ҳамда полипропилен, ҳам жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори сифатли суюлтирилган газ ва бензин, шунингдек, дунё бозорида харидоргир бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мураккаб, замонавий технологияни бошқара оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳам олдиндан режалаштирилган дастурлар асосида олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлимида 450 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис тайёрланди. Уларнинг аксарияти заводнинг муҳандислик қурилмаларини бошқариш жараёнларида ишлаб, ўқишларини давом эттирди. Устюрт газ-кимё мажмуаси учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2012 йилда Тошкент кимё-технология институтининг мазкур бўлими кенгайтирилиб, кундузги бўлим ҳам ташкил этилди. Унга ҳар йили юз нафар талаба қабул қилинмоқда. Улар юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича муҳандис ва технолог мутахассисликларини эгаллайди.

Демак, яқин келажакда Устюртдаги газ-кимё мажмуи ўз салоҳияти билан Ўзбекистон қудратига қудрат қўшади. Саҳро бағрида ҳаёт қайнайди. Шаҳарлар, сўлим боғлар ва хиёбонлар, мактабу муассасалар бунёд этилади, ёрқин оқшомларни ёш-ялангу болаларнинг шодон қийқириқлари мунаввар этади. Бу сизнингча мўъжиза эмасми?!

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Тошкентда ҳар йили 2 апрель куни нишонланадиган Бутунжаҳон аутизм муаммоси тўғрисидаги ахборотни тарқатиш кунига бағишланган фотокўргазма ўз ишини бошлади.*

# ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

«Биз бормиз! Ёлғиз эмасмиз!» шиори остида ўтаётган ушбу кўргазма рамзий аҳамиятга эга. Негаки, Ўзбекистонда ҳар бир болага эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Тадбир «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этилди.

«Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази васийлик кенгаши раиси Л. Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У. Салимов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л. Тўйчиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши йўлида барча шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ҳам ушбу хайрли ишларнинг давомидир.

«Биз бормиз! Ёлғиз эмасмиз!» шиори остида ўтаётган ушбу кўргазма 2013 йилнинг март ойида пойтахтимизда аутизм касаллигига чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ҳамда истиқболларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг мантиқий давоми бўлди. Кўргазмага ташриф буюрганлар эътиборига тошкентлик фоторассомларнинг аутизм хасталиги билан касалланган болалар акс эттирилган саксондан зиёд ишлари ҳавола қилинган. Фотокўргазмани ўтказишдан асосий мақсад кенг жамоатчиликка аутизм ва ушбу касалликка чалинган болалар ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат.

— Аутизм муаммоси ҳар доим Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси эътиборида бўлиб келмоқда, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг имконияти чекланган болалар муаммолари бўлими раҳбари Э. Назарова. — Бу муаммони фақат педагоглар, шифокорлар, психолог ва ота-оналарнинг яқин ҳамкорлиги орқали ҳал этиб бўлмайди. Бугунги кунда бу борада йўлга қўйилган ишларга давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари, жамғармалар ҳам жалб қилинган бўлиб, бу ўз самарасини бераётир. Айни пайтда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида аутизм касаллигига чалинган 100 нафарга яқин бола даволанмоқда.

Кўргазмани ташкил этишда ота-оналар ҳам фаол қатнашди. Аутизм касаллигидан азият чекаётган тўққиз ёшли Муҳаммадалининг отаси Фарҳод Ортиқбоев улардан бири.

— Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди у. — Баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**


• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •















Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 877 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5